




ASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 29-SENTYABR, PAYSHANBA, 41 (673)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бошланган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, иқтисодий салоҳият сезиларли даражада юксалди, аҳоли фаровонлиги ортди. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоӣ-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоӣ соҳаларда амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 28 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятга ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудиде жойлашган Тахياتош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги "Тахياتош ИЭСда 230-280 МВт қувватдаги иккита буг-газ қурилмалари қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этиладиган кенг қўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Умумий қуввати 730 МВт бўлган 5 энергия блогидан иборат ушбу иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Иссиқлик электр станциясида йилига 3,2 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунда 1,15 миллиард куб метр табиӣ газ ёқилади.

Янги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат катта ҳажмдаги қимматбахш хомашени тежаш, балки талаб тобора ортиб бораётган электр энергияси ишлаб чиқаришни қўпайтириш имконини ҳам беради. Хусусан, иссиқлик электр станцияси қувватини 230-280 МВТга ошириш ҳисобидан табиӣ газ

истеъмолини 488 миллион куб метрга камайтириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Тахياتош иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 930 МВТга етади, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,3 миллиард кВт/соатдан ошади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси билан танишди. Сўхбат чоғида замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қўлай ва муносиб шароитлар яратиш кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари давомиде пахта далаларида бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кеғейли тумани фермерлари билан сўхбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди. Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида ушбу ҳудудда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани таъкидланди. Оролбўйи ҳудудини ижтимоӣ-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилётгани юксак самаралар бермоқда.

Йиғилишда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш,

ижтимоӣ объектлар ҳамда уй-жойларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини гамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилётган кўп қаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоӣ ва бозор инфратузилмаси яратилган яқка тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Қўшқўпир туманида қишлоқ ҳўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан сўхбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Йиғилишда вилоятни ижтимоӣ-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоӣ инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари захирасини гамлаш, уй-жойлар ва ижтимоӣ соҳа муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, ҳудудда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари узлуқсиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Салиҳон Зомиров олтан сурат

Янги қонун лойиҳаси

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоӣ ҳолатманд тоифаларига ижтимоӣ хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Мажлисида қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, кексалар ва ногиронларни ижтимоӣ қўллаб-қувватлаш борасида аниқ ва мақсадли давлат ижтимоӣ дастурлари амалга ошириб келинмоқда.

"Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоӣ ҳолатманд тоифаларига ижтимоӣ хизматлар тўғрисида"ги қонуннинг мақсади эса бу борада амалга оширилётган ишлар кўламини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоӣ хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Фракцияимиз эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилган ушбу қонун лойиҳасида ижтимоӣ ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари, уларни аниқлаш мезонлари, кўрсатилгани мумкин бўлган ижтимоӣ хизматлар аниқ белгиланмоқда, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Одинахон Жамолдинова. – Бу эса давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди. Умуман олганда, ундаги нормалар аҳолининг кенг қатламларига ижтимоӣ хизматлар кўрсатишни тартибга солиш баробарида ижтимоӣ ҳимояга муҳтож шахсларнинг ижтимоӣ-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилётган ижтимоӣ хизматлар сифатининг ошишига, пировардиде, мамлакатимизда амалга оширилётган кучли ижтимоӣ сийбятнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши амалдаги ижтимоӣ хизматларни тако-

миллаштириш ва янгиларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши, бу эса давлатдан ижтимоӣ ёрдам олиш эҳтиёжини келтириб чиқарадиган вазиятларни камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга кўмаклашиши билан долзарб эканлигини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, пенсионерлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган ҳимоя ва ижтимоӣ қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантириш имконини беради. Зеро, О'зЛиДеР ҳам ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг янада юксалиши билан баҳолайди.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир ўзларининг бир қатор таклифларини билдиришди.

О'зЛиДеР фракцияси аъзолари "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоӣ ҳолатманд тоифаларига ижтимоӣ хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазкур соҳани ягона қонун билан тартибга солинишига, ижтимоӣ хизмат кўрсатишнинг мавжуд тизимини янада ривожлантиришга, аҳолини ижтимоӣ ҳимоя қилиш даражаси, сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишини инобатга олиб, уни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Йиғилиш сўнгиде кўриб чиқилган масалалар юзасидан О'зЛиДеР фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Акбар МУЗАФФАРОВ, "XXI asr" мухбири

САЙЛОВ – 2016

Округ сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренинг

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимиз ҳаётидаги гоят муҳим ижтимоӣ-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажаги, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда сайловчиларнинг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жа-

воб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизимини яратилди. Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган, фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимиде алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосиде олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриладигани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг очик ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга таклифномалар юборилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тўғрисида"ги қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Сайловга оид қонунларнинг округ ҳудудидеги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Улар, шунингдек, сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов участкаларининг жойлашган қорхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахбо-

ротларини эшитилади.

Семинарда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралиги каби таъминлашнинг таъминлашга доимий эътибор бериши лозим.

Семинар-тренинг давомиде Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда матбуот марказларининг вазифалари кўрсатиб берилди. Кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА

Конференциялар давом этмоқда

депутатлари туман Кенгашлари депутатлари, бошлангич ташкилотлар раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш, хусусан, бу борада партиянинг куйи бўгинлари фаолиятини янада кучайтириш, сайловга ҳоқорли ишларини пухта амалга ошириш ва партия ҳудудий ташкилотлари конференцияларига делегатлар сайлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

— Сайлов — демократия

кўзгуси, тараққийёт ва фаровонлик омилдир, – дейди О'зЛиДеР Қўнгирот туман Кенгаши аппарат раҳбари Зухра Туребаева. – Бу муҳим ижтимоӣ-сиёсий жараёнга партия туман Кенгашида ҳам қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Сайловда штаби ташкил этилиб, белгиланган режага асосан партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни давом этмоқда.

Давом 3-саҳифада

МУНОСАБАТ

Сайлов кампанияси қизгин паллага кирмоқда

✓ Миллий матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси қизгин паллага кириб бормоқда, сайловда иштирок этувчи партиялар аниқланди, уларга имзо варақалари бланкалари берилди. Сиесий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловда тадбирларда тўплашга ҳақли.

Маълумки, 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга тегини

тин-қизлар, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган.

Бугун сайлов кампанияси ошқоралик ва очкилик тамойиллари асосида олиб борилаётган. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон миллий теле-радиокомпанияси, ЎЗА, "Жаҳон", "Uzreport" ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан икки томонлама битимлар имзоланди. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг қарийб 400 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга Марказий сайлов комиссияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклифномалар юборилгани маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз

Брифинг бўлиб ўтди

✓ Жорий йилнинг 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясида брифинг бўлиб ўтди.

Мазкур округ сайлов комиссияси раиси А. Юнусходжаев ОАВ вакилларига округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилган биринчи мажлис ва унда қабул қилинган қарорлар тўғрисида журналистларга ахборот берди.

Қайд этилганидек, 26 сен-

тябрда бўлиб ўтган 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзоларининг биринчи мажлисида сайлов комиссияси аъзоларининг округ сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳақида қарори қабул қилинди ва

иш режаси тасдиқланди. Округ сайлов комиссияси аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туманларга бириктирилди. Шунингдек, сайлов комиссияси аъзоларининг хизмат вазифалари тақсироти, навбатчиликни ташкил этиш, сайлов участкаларини тузишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сардор ТУРОВОВ



Ҳамиша қадрли бўлиш бахти

Устозлик шундай мақомки, бундай шарафга эга бўлган кишилар мактабда ўқувчиларга сабоқ берган даврда ва ундан кейин ҳам ана шу ном билан қадрланаверади.

Марғилон шаҳридаги 1-сонли умумтаълим мактабида умрининг 40 йилини ёш авлодга таълим беришга бағишлаган Дилбаржон Гофурова бугун ҳам шогирдлари эъзозидан ардоғида.

У бир вақтлар жажжигина бўлган ўқувчиларининг савлат тортиб келганидан бир қувонса, бирор касбни танлаб, ҳаётда ўз урин-

ларини топганидан минг қувонади.

Олий тоифали ўқитувчи, "Халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишони, "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони соҳибаси Дилбаржон турмуш ўртоғи Мўминжон билан бирга уч фарзандни улғайтириб, 14 набаира ва 4 эвара даврасида роҳат-фароғатда кексалик гаштини сураётди.

Ўз навбатида бу фидойи, тиниб-тинчимас аёл "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида ҳам оилалар тинч-тотувлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳаётимизнинг кундан кунга фаровон бўлаётгани, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш, тинчлик ва осойишталик келажакка бўлган ишончимни янада мустаҳкамлаётгани, — дейди Дилбаржон Гофурова фахрга тўлиб.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонун йўқлиги, мазкур органларнинг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарурлигини таъкидлаган эди. Зеро, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар тизими фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда ва қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирish мақсадида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ишчи гуруҳ томонидан амалдаги қонунчилик атрофида инвентаризациядан ўтказилиб, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам таҳлил қилинди. Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинди. Сенат томонидан шу йил 24 августда маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 16 сентябрида тасдиқланди. Қонун расмий эълон қилинган кундан олти ой ўтгач кучга кирди.

Айтиш керакки, ушбу қонун биринчи бор ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яхлит тизимга келтириб, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини белгилаб берди. Бундан ташқари унда ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва ваколатлари акс этди.

Эътиборли жиҳати, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат

қилиш, очкилик ва шаффофлик каби муҳим принциплар ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиланди. Қолаверса, ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши акс этди.

Шу билан бирга ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси га доир кафолатлар қонуннинг алоҳида моддаларида мустаҳкамланган. Жумладан, ҳуқуқий кафолатлар сифатида ички ишлар органи ходимининг қонуний фаолиятига аралашши мумкин эмаслиги, бошқа давлат органига ишга ўтказилганида аввалги ишига қайтиш ҳуқуқи сақланиши, ходим жисмоний куч ёки махсус восита ёхуд ўқ отар қуролни қўллаш натижасида етказган зарари учун агар унинг ҳаракати мазкур қонун доирасида бўлганда жавобгар бўлмаслиги ва бошқалар белгиланган. Қонунга мувофиқ, ички ишлар вазирлиги тиббиёт идораларида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, ходимнинг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ мулк зарарини қоплаш, барча турдаги транспорт воситаларига навбатдан

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ

Тўлқин
КАРИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади

ташқари йўл ҳужжатларини олиш, имтиёзли пенсия таъминоти, давлат сугуртаси ва бошқа имтиёзлар билан боғлиқ моддалар қонуннинг аҳамиятини янада оширади.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимларига турар жой ижараси учун пуллик компенсация тўланади, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда квартира сойтиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жой қуриши учун ер участкалари олиш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилади. Бу эса соҳа вакиллари ўз хизмат вазифаларини янада самарали бажаришларида ва уларнинг оила аъзолари учун қўлай турмуш шароитини яратишда муҳим омил бўлади.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиши, партиямиз дастурида алоҳида қайд этилганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини изчил ислоҳ этиш ва жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳоли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жиноятчилик, экстремизм ва гийҳандликка қарши курашиши ҳамда мамлакатимизда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлодга пухта билим бериш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу, бежиз эмас, албатта. Зеро, ёшлар ҳаётимизнинг муносиб давомчиларидир.



ТАЪЗИМ СИЗГА УСТОЗЛАР!

Уларга таълим-тарбия бериш кўп қиррали жараён бўлиб, буни жонқуяр, ғамхўр мураббийларнинг фидокорона меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай касб эса юксак масъулиятни тақозо этади. Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-сонли умумтаълим мактаби жамоаси яқинлашиб келаётган 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносиб ютуқлар билан кутиб оломоқда.

Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида 1 минг 538 нафар ёшга 70 нафар ўқитувчи ва мураббий сабоқ бермоқда. Мактабда математика, инглиз тили фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Энг асосийси, бу масканда сифатли таълим-тарбия тизими йўлга қўйилганидан ўқитувчи ва ўқувчилар бирдек мамнун.

Солижон ЗОИРОВ сурат-лавҳаси

Ҳурмат ва эҳтиром ифодаси

Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносибати билан институт профессор-ўқитувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, институт ректори Ҳ.Аминов ва бошқалар мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида эканлигини таъкидлади. Соҳа вакиллари меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётди.

Айни пайтда Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида икки юзга яқин профессор-ўқитувчи талабаларга сабоқ бермоқда. Мамлакатимизда шарафли касб эгаларининг меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор самарасида ўтган йиллар мобайнида мазкур таълим даргоҳининг ўндан зиёд устоз-мураббийи Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирланган.

Мазкур кўргазма ҳам устоз-мураббийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижодий ишларини кенг оммага намойиш этиш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Кўргазмада институтнинг профессорлари ва бир пайтлари шу даргоҳда таълим олган, ҳозирги кунда эса ўқитувчилик қилаётган ўн бешдан зиёд мўйқалам соҳибининг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Ижодий ишлар бадий жиҳатдан юксак даражада яратилган бўлиб, тасвирий санъатнинг барча жанрлари ва турли мавзуларни қамраб олган.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири

ЖАРАЁН

Конференциялар давом этмоқда

44 Давоми. Бошлангич 1-саҳифада

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Сайловга тайёргарлик ҳар бир сиёсий партиядан ишчанлик ва уюшқоқликни ҳам талаб этади. Бинобарин, O'zLiDePнинг барча бўғинлари сайловга тайёргарлик жараёнида масъулиятни теран ҳис этиши, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол қатнашиши лозим.



O'zLiDeP Яккасарой туман Кенгашининг навбатдаги конференциясида ана шу фикрлар ҳам тилга олинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак савияда ўтказиш мақсадида жойларда ташкилий-партиявий ишлар ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини тизимли равишда ташкил этиш, электрот орасига чуқурроқ кириб бориш каби устувор вазифаларни белгилаб олинди.

— Олдимизда турган муҳим сиёсий жараён қанчалик масъулиятли эканлигини ҳар биримиз чуқур ҳис этаёмиз, — деди ўз сўзида O'zLiDeP Яккасарой туман Кенгаши раиси Аҳмад Некбаев. — Зеро, бугунги вазият, бугунги шароит биздан ҳар қачонгидан ҳам ҳамжихатликни, бирдамликни, ўз бурчимизга янада жиддийроқ ёндашишни талаб этмоқда. Демак, бутун куч ва имкониятларимиз, орттирган тажрибаларимизни белгиланган мақсад ва вазифаларни тула амалга оширишга сафарбар этишимиз лозим.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган тадбир якунида O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши конференциясида қатнашиш учун энг муносиб номзодларга ишонч билдирилди.

ҚАШҚАДАРЁДА ҳам ушбу муҳим тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Хусусан, O'zLiDeP Муборак туман Кенгаши конференцияси ишчанлик руҳида ўтди.



Кун тартибидagi масалалар юзасидан партия туман кенгаши раиси Панжи Жалилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг тегишли қонунларга мувофиқ тарзда, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш мақсадида жойларда партия электорати ва аҳоли ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлигини қайд этди. Нотиқ барчани бу жараёнда бор салоҳиятни ишга солган ҳолда фаол қатнашишга ундади.

Конференцияда сўзга чиққан бошқа сафдошларимиз ҳам Президент сайловини Конституция ва миллий қонунчилигимиз ҳамда умумэтироф этилган халқаро андозалар даражасида ўтишини таъминлаш учун пухта ҳозирлик кўриш,

партия электорати сафини фаол ёшлар, илғор фермер ва тадбиркорлар ҳисобига янада кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Анжуман нихоясида O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгашининг IX конференциясига делегатлар сайланди.

САМАРҚАНД. O'zLiDePнинг Самарқанд ва Оқдарё туманлари Кенгаши конференцияларида мамлакатимизда сайловларнинг очиқ-ошкора, демократик принциплар асосида ўтказиш учун мустақкам ташкилий-ҳуқуқий база яратилгани таъкидланди.

Маърузачилар томонидан алоҳида қайд этилганидек, сиёсий кампания партия гояларини яна бир бор омма орасида кенг тарғиб қилиш, электрот манфаатларига доир масалаларга янада теранроқ назар ташлаш имконини ҳам беради. Шунингдек, конференцияларда мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида партия ташкилотлари фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланиб, давлат ва жамият ҳаётини янада либераллаштириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида ҳали-ҳамон учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда рақобатни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида партияимизнинг асосий сайловолди гояларини рўйбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди ҳамда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир нихоясида партия вилоят конференциясида қатнашувчи делегатлар учун овоз берилди.

БУХОРО. O'zLiDeP Ғиждувон туман Кенгаши конференциясида “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси Раҳматилло Маҳмудов, Ғиждувон шаҳридаги “Машхура” хусусий корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Замира Сафарова, меҳнат фахрийси Файзулла Давлатов ва бошқалар сўзга чиқиб, бу йилги сайлов кампанияси илғори ўтказилган сиёсий жараёнларда бўлганидек, O'zLiDeP ҳамда унинг барча тарафдорлари учун ўзига хос синов бўлишини ва булажақ имтиҳондан сафдошларимиз ёруғ юз ва муваффақият билан ўтишлари лозимлигини таъкидлашди.



Қайд этиш жоизки, бугунги кунда ҳудудда 1600 дан зиёд партия аъзосини ўз атрофида жипслаштирган 48 та бошлангич ташкилот фаолият олиб бормоқда. Партия гоя ва мақсадларини аҳолининг турли қатламларига тушунтириш, маслақдошлар сафини кенгайтириш, иқтисодий ислохотларнинг боришига самарали таъсир кўрсатиш, аҳолини, хусусан касб-хунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлашга қўмаклашиш партия куйи бўғинларининг асосий вазифасига айланган.

БПТларнинг яқинда ўтказилган умумий йиғилишларида ҳам мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ энг муҳим масалалар муҳокама этилган эди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан партия туман ташкилоти конференциясининг тегишли қарори қабул қилиниб, O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгашининг XI конференциясида иштирок этувчи 11 нафар делегатнинг номзоди маъқулланди.



НАВОЙЙ. Ушбу вилоятда ҳам мазкур тадбирлар уюшқоқлик билан, очиқлик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил қилинди.



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошлангич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида сайланган делегатлар ҳамда партияимиз асосий электорати вакиллари иштирок этган конференцияда партия Навоий шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки борасидаги вазифалари хусусида сўз юритилди.

Мазкур масала юзасидан O'zLiDeP Навоий шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Мирзаев сўзга чиқиб, амалга оширилаётган сайловолди чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

Шаҳар партия ташкилоти анжуманида O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгашининг навбатдаги IX конференциясига делегатлар сайланди.

АНДИЖОН. Партия Балиқчи туман Кенгашининг навбатдаги конференциясида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

— Президентлик сайлови партияимиз ҳаётидаги нихоятда муҳим сиёсий синов ҳисобланади, — дейди партия туман ташкилоти конференцияси делегати Махлузахон Юсупова. — Шунинг учун ушбу муҳим сиёсий жараёнда O'zLiDePнинг барча бўғинларидаги фаоллар, шунингдек, электрот вакиллари жуда фаол қатнашишлари керак. Зеро, сайловлар сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ва ўрнини намоён этади.

Балиқчи тиббиёт коллежи 3-босқич ўқувчиси Гулираёна Фуломова Президентлик сайловида мустақиллик йилларида вояга етган, интеллектуал салоҳиятли ёшларимиз ҳам иштирок этиши ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган ҳикматли сўзларини ҳаётга татбиқ этишда куч ва салоҳиятини аямаслигини айтиб ўтди. Шунингдек, партия аъзоси сифатида ёшлар, аёллар ўртасида сайловга оид тарғибот ишларини олиб боришда фаол қатнашаётганини билдирди.

Йиғилишда партия Андижон вилоят конференциясига 10 нафар вакил сайланди.

НАМАНҒАН. O'zLiDeP Мингбулоқ, Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туман ташкилотларининг конференцияларида бошлангич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида сайланган 200 нафардан ортиқ делегат ва партия фаоллари қатнашди. Улар шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик кўриш, бу борада тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш ва энг муносиб сафдошларимизни вилоят партия ташкилоти конференциясига делегат этиб сайлаш масалаларини муҳокама этдилар.

Энг фаол, ташаббускор ва фидойи партия аъзоларидан 39 нафарига вилоят партия ташкилотининг X конференциясида делегат сифатида қатнашиш ваколати берилди.

O'zLiDeP туман ва шаҳар Кенгаши конференциялари айна кунларда ҳам тизимли равишда давом этмоқда.

Вилоят мухбирлари ҳамда O'zLiDeP маҳаллий Кенгаши томонидан тақдим этилган материаллар асосида А. МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



Суратлар муаллифи Солижон ЗОИРОВ

Ватан таянчи, миллат суянчи

ФАХР

Фарзандлари соғлом юрт тараққий этади, юксалади. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб оналик ва болаликни ҳимоя этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, вилоятларда скрининг марказлари ташкил этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, она ва бола саломатлиги муҳофазасига эътибор қаратилиши натижасида оналар ўлими 3,1, болалар ўлими эса 3,2 баробарга камайди.

Юртимизда амалга оширилаётган ана шундай хайрли тадбирлар билан талабаларни таништириш, уларни оила остонасига тайёрлаш мақсадида университетимизда “Соғлом бола — юрт келажаги”, “Бехатар оналикни таъминлаш йўлида” каби маданий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Уларда тегишли соҳа мутахассислари эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оила аталмиш муқаддас кўрғон пойдеворининг мустақамлиги, комил фарзандлар тарбияси бўлғуси оналаримизнинг жисмонан ва руҳан саломатлигига

боғлиқлиги каби мавзуларда талабаларга сабоқ беришмоқда. Шу ўринда мустақил давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг таълим-тарбия соҳасида амалга ошириб кетган хайрли ишлари хусусида алоҳида фахр билан сўзлаш жоиз. Дунё миқёсида “Ўзбек модели” дея эътироф этилган тараққиёт ва ривожланиш йўлини белгилаб берган улуг Йўлбошчимизнинг “Бугунги кунда катта умид, оруз-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётга ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаятган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгал-

лаган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак”, — деган пурмаъно сўзлари ҳар биримизга жиддий масъулият юклайди. Кўнгилга таскин берадиган жиҳати, муҳтарам инсон халқимиз қалбида ўзининг қисқина, яъни чорак аср муддат ичида бир неча асрларга татиғулик хайрли ишлари билан ўчмас из қолдирди.

Биз устозлар ҳам деярли ҳар кун талаба ёшлар ҳузурда Юртбошимизнинг мамлакатимиз тарихида унутилмас из қолдирган бой мероси хусусида фахр билан сўзлаймиз.


Ушбу мўътабар даргоҳда эртаимиз эгалари бўлмиш ёшларга устозлик қилиш баробарида шунга амин бўлаёلمизки, бугун илмли, зукко, шижоатли, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган, замонавий ахборот коммуникацияларни яхши биладиган ёш авлод улғаяпти. Айниқса, нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритаётган йигит-қизларимиз ҳақида тўлқинланиб гапиряёмиз. Буларнинг барчаси Ислоҳ Каримов томонидан юритилган оқилона сиёсат, босқичма-босқич амалга оширилган изчил ислохотлар самарасидир.

Аъзамжон ВАЛИЕВ,
Тошкент Давлат педагогика университети доценти

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Эл қалбига қулоқ тутиб...

✓ Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар шаҳарчасида ҳам изчил давом этмоқда. Ҳудудда 12 миллат ва элат вакиллари билан иборат 5 минг 157 та оила тинч-аҳил яшаб келаёпти.



тибор қаратилмоқда. Яъни, ички йўллар ва кўчаларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 75 миллион сўм ажратилиб, 4 та кўчада таъмирлаш ишлари якунланди.

Эзгулик, меҳр-мурувват кўрсатиш бобида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилди. Кексаларимиздан Мўътабар ва Лола Меликовалар вилоят кўз касалликлари шифонасида, Қувондиқ Суёнов республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий маркази-

нинг Самарқанд филиалида, Алижон Давлетов вилоят шифонасининг ортопедия бўлимида бепул даволанишди.

Албатта, депутат қачонки, ўз сайловчилари эътиборини қозонсагина обрў топади, ишончини оқлайди. Мен ҳар доим ана шундай ақидаларга амал қилганлигим туфайли юрдошларимдан миннатдорлик сўзларини кўп эшитаман. Сайловчиларим билан тез-тез учрашиб, уларнинг қалбига қулоқ соламан, яшаш тарзини ўрганаман. Бу эса ҳудуддаги муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишимда жуда асқотади. Масалан, сайловчилардан бирининг электр энергияси таъминоти бўйича юзага келаётган муаммолар ҳусусидаги мурожаатини ўз вақтида ўрганиб, бартараф этдик. Шунингдек, имконияти чекланган, болаликдан биринчи гуруҳ ногирони бўлган Уролбой Қаҳоровни иш билан таъминлашида амалий кўмак беришларини сўраб тегишли муассасага депутатлик сўрови юбордим. Натижада у 59-сон кўзи ожиз болалар махсус мактаб интернатида ишга жойлашди.

Албатта, бу каби хайрли ишлар партиямиздан сайланган ҳар бир депутатнинг кундалик юмушига, қалб амрига айлансагина эл орасида нуфузи ортади.

Ҳаким ЖҲРАЕВ,
О'zLiDeP Самарқанд шаҳар
Кенгаши депутати

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Мулкдор оила” лойиҳасининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Оилавий тадбиркорлар сафи кенгайди

Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлини масида ўтган ушбу тадбирда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси тубдан мустаҳкамланди, – дейди вилоят давлат Солиқ бошқармаси катта инспектори Файзулло Аҳмедов. – “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун асосида яратилган имтиёз ва преференциялар аҳолининг соҳага қизиқиши янада ортиши ва турмуш шароитларини яхшилашда жуда кўл келмоқда. Ушбу қонун қабул қилинган 2012 йилда вилоятда саноқлигина оилавий корхона мавжуд бўлса, 2016 йилнинг шу даврига келиб улар сони 190 тага етди.

– Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари партиямизнинг доимий эътиборида, – дейди О'zLiDeP Самарқанд вилояти Кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Бахтиёр Мустафоев. – Бу борада партиямизнинг парламентдаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси, яратилган шароитлар, имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш ҳусусида амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам оилавий корхоналар сонини оширишдир. Чунки, лойиҳада муваффақиятли қатнашган иштирокчиларга республикамиз банклари томонидан берилган сертификатлар кредит олишда муҳим омили бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки, жорий йил лойиҳа доирасида вилоятда 500 нафарга яқин иштирокчининг оилавий тадбиркорлигини ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишга эришилди. Шу мақсадда лойиҳанинг вилоят босқичида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган юз нафардан ортиқ иштирокчилар учун махсус бизнес-семинар ташкил этилди. Унда соҳа мута-



хассислари ҳамда катта тажрибага эга тадбиркор ва фермерлар замонавий бизнес-тренинг технологиялари, интерфасол услублар, маъруза ва баҳс-мунозаралар шаклида машғул олиб боришди. Иштирокчилар богдорчилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш йўналишларида гуруҳларга бўлинган ҳолда мунозара юритишди ва билимларини мустаҳкамлашга эришилди.

Тадбирда банк ходимлари мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришда банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар, тадбиркорлик лойиҳаларининг банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асоси ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

– “Мулкдор оила” лойиҳасида иштирок этганимдан мамнунман, – дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Суръат Бобоқулов. – Чунки, фаолиятни йўлга қўйиш ва амалга ошириш учун 40 миллион сўм сармома талаб этиладиган бизнес режими тажрибали мутахассислар ёрдамида янада аниқ ва пухта шаклга келтириб олдим. Энг муҳими оилавий, тадбиркорликни тўғри йўлга қўйиш асослари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим.

Дарҳақиқат, мазкур лойиҳа оилавий бизнес билан шуғулланган тадбиркорлар сафини янада

кенгайтириш, уларга имтиёзли кредит бериш механизмни такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илгор тажриба ва инновациялар, замонавий агротехник тадбирларни кенг қўллаш имконини беради.

Лойиҳа шуниси билан аҳамиятлики, ташкилий қўмита томонидан тавсия этилган ва семинарларда фаол қатнашган иштирокчиларга бизнес режаларини амалга ошириш мақсадида бошланғич сармома шакллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун етакчи тижорат банкларининг молиявий ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш келиммоқда. Жумладан, лойиҳанинг ўтган йилги вилоят босқичида иштирокчиларнинг 65 нафарига 2 миллиард 965 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши натижада 178 нафар янги иш ўрни яратилган бўлса, бу йил ҳам чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, богдорчилик, тикувчилик, меҳмонхона хизмати, гўзаллик салонлари, онлайн тўлов хизмати каби қатор йўналишларда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 100 нафардан ортиқ қатнашчига жами қиймати 4 миллиард 251 миллион сўмлик бизнес режаларини молиялаштириш мақсадларини мужассам этган сертификатлар тақдим этилди.

Мухаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишларида ижро ҳокимияти органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилган.

Муаммолар ечими

Навбатдаги йиғилишда Бухоро шаҳар молия бўлими мудири ўринбосари Улугбек Саъдуллаевнинг маҳаллий бюджетнинг 2016 йил биринчи йили йилги ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилишича, жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича солиқ ставкаси 8,5 фоиздан 7,5 фоизга, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси бошлиғи, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Халил Турдиев ўз ахборотида 10-“Шодлик” сайлов округи ҳудудидаги “Пиридағир”, “Шодлик” ва “Тошмачит” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқароларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилганини билдирди. Бунда айниқса, сайловчилардан тушаётган мурожаатлар асосида мутаассадди ташкилотлар раҳбарларига юборилаётган депутатлик сўровлари яхши самара бераётди.

О'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов, раис ўринбосари Ахтам Исаев, депутатлар Фулом Фаттоев, Олим Ақобиров томонидан ташвиқот ишларини янада жонлантириш, депутатлик сўрови, назорат-таҳлил, мансабдор шахслар ҳисоботини тинглаш амалиётидан кенг фойдаланиш зарурлиги, айрим савдо шохобчаларида пластик карточка орқали тўловни амалга оширишда қонунбузилишларига йўл қўйилаётгани айтилди.

Ушбу муаммоларни депутатлик гуруҳида ўрганиш натижалари асосида Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига тақлиф киритишга келишиб олинди.

Асхор Истамов,
“XXI asr” мухбири

Жамоатчилик назорати

давлат ва жамият фаровонлиги омилidir

✓ Мустақиллик йилларида юртимизда жамоатчилик назоратини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган анжуманда ҳам ана шулар ҳақида сўз юритилди.

– Жамоатчилик назорати – давлат аппаратининг, ижро ҳокимиятининг, мансабдор шахслар ёки гуруҳларнинг жамият ҳаётига дахлдор масалаларда қарорлар қабул қилиши устидан халқ ёхуд унинг вакиллари назорати функцияларини амалга оширишдир, – деди тадбирда Ўзбекистон халқаро жамоат

фондининг Оқдарё туман муассасаси раиси Ойгул Маматова. – Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув иштирокчиларига мавзуга доир халқаро тажриба ва юртимизда уни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Севара АЗИМОВА,
“XXI asr” мухбири

Давр талаби

✓ Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида “Фуқароларнинг коррупция ҳолатлари олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий онгини ошириш масалалари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Жамоат фонди гуруҳ раҳбари Лутфулло Сувонов, вилоят прокуратурасининг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Баҳромбек Ярашев, вилоят Адлия бошқармасининг жамоат, нодавлат но-тижорат ва диний ташкилотлар бўлими раҳбари Дилшод Наимовлар коррупциянинг тараққиётга салбий таъсири ҳамда унга қарши кураш бўйича мамлакатимизда қабул қилинган

ҳуқуқий ҳужжатлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида сўз юритишди. Ўз навбатида ушбу иллатга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, кенг жамоатчилик зиммасига ҳам улкан масъулият юкляб, баҳамжиҳатликда фаолият олиб боришни талаб этиши таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

ТАДБИРКОРЛИК



Харидор мамнун, буюртма мўл

✓ Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият олиб бораётган “Aziza Sayfi qizi” хусусий корхонаси 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхона асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

– Маҳсулотларимизни мижозларимизнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрлаймиз, – дейди корхона раҳбари, О'zLiDeP аъзоси Азиза Фуломова. – Бунда юртимизда ишлаб чиқарила-

ётган сифатли матолар кўл келмоқда. Ўзига хос дизайнга эга маҳсулотларимиз нисбатан арзонлиги ва рақобатбардошлиғи боис харидоригр бўлаяпти. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга

яратаётган имконият ва қулай шароитлар боис фаолиятимиз йилдан йилга кенгаймоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратилишига омили бўлаяпти. Ҳозирги кунда ишчиларимиз сони 24 нафарга етди. Эътиборли жиҳати, уларнинг ўн нафари О'zLiDeP аъзоси.

Ишлаб чиқариш қўламини ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада кенгайди. Бундай ютуқларга эришимизда илгор тикувчиларимиздан Гулнора Тобижоновова, Саодат Содиқова, Дилфуза Қосимова, Матлуба Азимова, Елена Барановская, Вазира Темироваларнинг ҳиссаси катта.

Корхонамиз замонавий тикув машиналари билан жиҳозлангани боис, буюртмаларни тез ва соз, ўз вақтида бажариб келямиз.

Солижон ЗОИРОВ,
“XXI asr” мухбири
(муаллиф олган сурат)



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА


ИМЗО ТЎПЛАШ

жараёнига масъулият билан ёндашилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясига доир чора-тадбирларни амалга оширишга катта масъулият билан ёндашмоқда.

Партия Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган V мажлисида партиянинг навбатдаги съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисида таклиф киритиш хусусидаги қарор қабул қилинганди. Қонунчилигимиз ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар асосида О'зЛиДеР бошқа сиёсий партиялар қатори сайловда иштирок этишга ижозат олди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига О'зЛиДеРдан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш учун сайловчилар имзосини тўплаш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилишининг қарори қабул қилинди, – дейди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Б. Якубов. – Унга қўра ҳудудий партия ташкилотлари қошида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, имзо тўплаш ишлари учун масъул этиб тайинланди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга биноан партия томонидан тақдим этиладиган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сонининг камида бир фоизини ва камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Бино-



барин, 21 миллион 435 минг 9 нафар сайловчининг 1 фоизи 214 минг 350 нафарни ташкил этмоқда. Биз 300 мингта сайловчи имзосини тўплаш таклифини илгари сурдик.

Имзо тўплаш якунлангач, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ҳудудий партия ташкилотларидан имзо варақаларини қабул қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига топширилади. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кун ичида текшириб, қонун талабига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда партиянинг ҳудудий Кенгашларига имзо варақаларини белгиланган тартиб ва муддатда, хатого йўл қўймаган ҳолда тўлдириш ва Ижроия қўмитага топшириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди. Ҳозирда республикамизнинг барча ҳудудларида имзо тўплаш жараёни қизгин кечмоқда.

Имзоларни тўплаш самарали ташкил этилмоқда, сайловчиларга варақаларни тўлдириш тартиби тушунтирилмоқда. Шунингдек, партия ҳудудий Кенгашларидаги масъул ходимлар томонидан имзо варақаларининг тегишли шахслар ва муайян ҳудуддаги партия туман, шаҳар тузилмалари раҳбарлари томонидан тасдиқлангани устидан назорат ўрнатилган.

– Партия марказий органлари томонидан ушбу жараёни мукамал ўтказиш, варақалар тўғри тўлдирилиши устидан назорат ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди, – дейди О'зЛиДеР Самарқанд вилоят Кенгаши аппарати раҳбари Илҳом Ботиров. – Бунда шаҳар, туман партия бўлимлари ва бошланғич партия ташкилотлари имкониятидан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, сиёсий таълим маркази кўмағида имзоларни тўплашда иштирок этаётган шахслар билан машғул ўтказдик.

О'зЛиДеР Матбуот хизмати

“Сайлов – 2016”

Тайёргарликнинг муҳим босқичи



Айни кунларда Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш тадбирлари қизгин тус олган. Мазкур жараёнда партиянинг бошланғич ташкилотлари ҳам самарали иштирок этмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунда белгиланганидек, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловда иштирок этишга қўлдан келтириш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилиши мумкин. Имзо тўплаган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни нимадир эвзасига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Пойтахтимиздаги партия Миробод туман ташкилоти таркибидagi 5 минг 200 дан ортиқ аъзони бирлаштирган 131 та бошланғич партия ташкилоти маҳалла, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда бўлиб, сайлов қонунчилигини тушунтириш ва имзо тўплаш бўйича қизгин фаолият юритишмоқда.

– Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан мамлакатимиз Президентлигига кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловчилар имзоси тўпланаётганини эшитиб, хайрихоҳлик билан имзо қўйдим, – дейди тумандаги “Real Renessans” хусусий корхонаси ходими Шероз Мелибоев. – Чунки мен каби минглаб ёшларнинг ўз орзу-интилишлари, салоҳияти рўёбга чиқишида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг аҳамияти беқиёс. О'зЛиДеРдан кўрсатилган номзоднинг Ватанимиз равнақи йўлидаги туб ислохотларни қатъий билан давом эттиришига ишончим комил.

О'зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгашида ташкил этилган сайловдаги штаби ҳам мазкур тадбирларда қатнашаётган партия фаоллари ишени мувофиқлаштириб, бу борада изчил мониторинг юритмоқда. Қайд этиш жоизки, сафдошларимиз саъй-ҳаракати билан шу кунгача минглаб сайловчи имзоси йиғилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки таянч тузилмалар фаоллари одамлар орасида, партия электорати билан бевосита, юзма-юз иш олиб боришди.

– Имзо жамлаш тадбирлари ҳам мамлакатимизда том маънодаги ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти шаклланаётганидан далолат беради, – дейди партия шаҳар ташкилотиди ишлаётган сайловдаги штаби аъзоси, ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Уктам Ҳасанов. – Хайрихоҳларимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришил-

ган жамики муваффақиятларни давом эттириш тарафдори эканини билдириб, имзо чекмоқдалар.

– Сиёсий кампанияга пухта тайёргарлик билан кириб бораемиз, – дейди “Тошхўштарансхизмат” акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилот етакчиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳосил Холматов. – Ўз ишига масъулият билан ёндашаётган фаолларимиз ҳозиргача 900 га яқин имзо йиғилди. Энг муҳими, юртдошларимизнинг сайлов жараёнига, ўзлари ва фарзандларининг келажакларига бефарқ эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Партияимизнинг Самарқанд вилоятидаги тузилмалари ҳам сиёсий кампанияга тайёргарликнинг муҳим босқичида ташаббус кўрсатишмоқда.

Оқдарё тумани ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” марказида иш юритаётган партия таянч нуқтаси етакчиси Ислон Нарзуллаев имзо йиғиш тадбирлари мобайнида сайловчиларнинг онгу тафаккури янада юксалгани, уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётганини таъкидлади. Бошланғич ташкилот аъзолари “Музам Антик”, “Тевагтик Човка”, “Озоджон”, “Мўл ҳосил замини” ва бошқа фермер хўжаликлариди бўлиб, 300 дан зиёд имзо тўпладиди.

Қувонарлиси, жонли мулоқотларга айланиб кетаётган ушбу тадбирларда юртдошларимиз диёримиздаги янгиликлар, улкан бунёдкорлик ишлари, фаровон кунлар суруридан баҳра олаётганини қайд этиб, қалб даъвати билан партияимиздан қўйилган номзодни ёқлашмоқда.

– Ўзбекистондек улкан имкониятлар мамлакатиди яшаётганимдан бахтиёрман, – дейди “Озоджон” фермер хўжалиги аъзоси Умар Абдусаломов. – Илгариги замонларни ҳам кўрдик. Муस्ताқил давлатда яшаганга не етсин. Ер ўз эгасини топди, бир замонлар оддий деҳқон дея камситишарди, бугун эса у – фермер, мулкдор, бадавлат, қадри бир инсон сифатида улуғланмоқда. Мен ўз халқимнинг бахт-саодати учун умрини бағишлаган фидойигина Президентликка энг муносиб деб ҳисоблайман ва шундай инсонни қўллаб-қувватлайман.

Беҳзод ИСРОИЛОВ, “XXI asr” мухбири

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизгин паллада. О'зЛиДеР тегишли қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловда иштирок этишга қўлдан келтириш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилиши мумкин. Имзо тўплаган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни нимадир эвзасига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ишонч – ҳаракатга ундайди

– Бу муҳим сиёсий жараёнга партия шаҳар, туман Кенгашлари аппаратлари ходимлари, бошланғич ташкилотлар аъзолари, фаолларни жалб этдик. Уларга имзо йиғишнинг ташкилий жиҳати ва қонуний асосини тушунтирдик, – дейди О'зЛиДеР Наманган вилояти Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Абдулахад Алимов. – Айни кунларда корхона, ташкилот ва маҳалла фуқаролар йиғинларида шундай йўналишдаги тадбирлар ўтказилмоқда.

– Мен О'зЛиДеР аъзосиман, – дейди Наманган шаҳридаги “Илгор” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саодат Юсупова. – Партия дастурида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Шунинг учун мен ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Президентлигига шу партиядан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қув-

ватлаш учун имзо қўйдим.

– Ушбу партия ёшларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида хайри ишларни амалга оширмоқда, – дейди ёш тадбиркор Абдулазиз Холмиров. – Мен ҳам партия томонидан ўтказилган “Ишбилармон талаба” танловиди иштирок этиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилдим.

Биз суҳбатлаган бошқа фуқаролар тегишли варақаларга имзо чекаётган инсонлар ҳам юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг барқарорлиги, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг изчил қўллаб-қувватланаётгани ва бунда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳам ўз ўрни, муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этишмоқда.

Комилжон Файзиев, “XXI asr” мухбири

Фаоллик намойиши

– Сайловдан олдинги имзо йиғиш жараёни, ўз навбатида, номзоднинг обрў-эътибори, халқ қалбига қанчалик кириб борганини намойён этадиган палла, – дейди О'зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Қобил Астонов. – Вилоятимизда 600 мингдан ортиқ сайловчи бор. Марказий сайлов комиссияси томонидан партияимизга имзо варақалари топширилган кундан бошлаб телефон орқали ёки кўча-кўйда: “Қачон имзо варақаларини ташкилотимизга олиб келасизлар, биз ҳам бу жараёнда фаол қатнашайлик”, деб мурожаат қилишганида кўнгилмиз фаҳрга тўлади. Бу эса фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги нечоғли ортганини кўрсатади.

21 мингдан зиёд маслақдошни бирлаштирган О'зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши ва унинг тизимига кирувчи партия туман, шаҳар тузилмалари, кўйи бўғинларда иш қизгин тус олган. Вилоятнинг ҳар бир шаҳару туманида, қишлоқ ва овулида имзо йиғиш жараёни давом этаётди.

– Оммавий ахборот воситалари орқали имзо йиғиш бошланганини эшитган кунимок, ушбу жараёнда фаол қатнашишни мақсад қилганим, – дейди яқка тартибдаги тадбиркор Эргаш Жумаев. – 4 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партияимиздан энг муносиб номзод кўрсатилаётгани мамнуният бағишлади. Ўйлайманки, мен каби барча ёшлар, ёш тадбиркор, фермер, ишбилармонлар ҳам ушбу номзодни тула қўллаб-қувватлайди.

Жўрабек АСЛОНОВ, О'зЛиДеР Навоий вилояти Кенгаши масъул ходими

Сафимизда зиёлилар кўп бўлса мақсадга етиш осон

Бугунги кунда Балиқчи туманида О'зЛиДеРнинг 28 та бошланғич ташкилоти ўз сафида 1 минг 20 нафар маслақдошимизни бирлаштирган. Энг муҳими, уларнинг кўпчилиги ҳурматли, илм-маърифатли инсонлардир.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Андиджон қишлоқ хўжалик институти кафедраси профессори Махлуза Юсупова ана шундай фахрли аъзоларимиздан. Андиджон қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини муваффақиятли битирган Махлуза 1996 йили Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида ўқишни давом эттирди ва номзодлик ишени химоя қилди. Ёш

олимлар ўртасида ўтказилган танловда қатнашиб, уч марта ғолибликка эришган сафдошимиз мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган инновацион гоёлар ва ишланмалар ярмаркаларида янги илмий ишлари билан қатнашиб келмоқда.

Махлуза Юсупова институт қошидаги “Олима аёллар” клубига раҳбарлик қилиши баробарида “Биосервис” марказида ҳам фаолият юритмоқда. – У яратган илмий усуллар қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши биологик кураш олиб боришда кенг қўлланилмоқда, – дейди қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Қаҳрамон Хушвақтов. – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Фарғона водийси бўйича ўсимликларни химоя қилиш вакили Махлуза Юсупованинг сай-ҳаракати билан 2012-2013 йилларда Германия, Буюк Британия давлатлари билан ҳамкорликда иссиқхоналарда учрайдиган зараркунанда ҳашарот – оқанотта қарши

самарали воситалар ишлаб чиқарилиб, амалиётга татбиқ этиляпти.

– Олима ўзи яшайдиган “Қумтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги таянч тузилмага етакчилик қилмоқда, – дейди О'зЛиДеР Балиқчи туман ташкилоти раиси Гулнора Қодирова. – Ушбу тузилмага аъзо бўлган 46 нафар маслақдошимизнинг аксарияти зиёли ва хусусий сектор вакиллари. Айтилик, Дилшодбек Ҳақимов фермер хўжалиги раҳбари, Иброҳимжон Сувонов иқтисод фанлари номзоди, Абдурахмон Эргашев касб-хунар коллежи ўқитувчиси. Улар биргаликда турли ташкилот ва муассасаларда тадбирларни юқори савияда ўтиши, маҳалларда оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айни кунларда таянч тузилма томонидан сайловчилар имзосини тўплашга эътибор қаратилмоқда.

Аъзам ҚОДИРОВ

Партия туман (шаҳар) бўлимининг раҳбар органи конференция ҳисобланади. Конференция одатда беш йилда камида бир маротаба ҳисобот-сайлов кўринишида ўтказилади ва конференция делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Конференция тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарори асосида қаҳрилади ва мазкур қарорда бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида конференцияга сайланадиган делегатларнинг вакиллик меъёри белгиланади.

О'зЛиДеР Уставидан



ФАОЛИЯТ

“АЁЛЛАР ҚАНОТИ”

Эътибор янада кучаяди

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан жойларда партия мақсад ва гоёларини тарғиб этиш, хотин-қизларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш, тадбиркорликка жалб этишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Қизилтепа туман қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида “Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш – кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларининг устувор вазифаси” мавзусидаги давра суҳбатиде хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, туманда фермер хотин-қизларнинг сафини кенгайтириш, фаолиятда учраётган муаммоларни ҳал этишда амалий кўмак бериш каби масалалар муҳокама этилди.

Кармана туманида аёлларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Натижада туманда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни йўлга қўйган, фермер бўлиб ер билан тиллашаётган опа-сингиллар сафи тобора кенгаймоқда. Яқинда бўлиб ўтган “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” номи тадбирда иштирок этганлар бунга гувоҳ бўлишди.

Хатирчи туманида “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фа-



олигини оширишнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги тадбирда эса чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган тадбиркор ва фермерларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва уларга кўмак бериш, фаолиятларини оммалаштириш хусусида сўз юритилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Булунгур туманида “Хотин-қизларнинг

ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликка йўналтириш ҳамда ишсизликнинг олдини олиш” номи давра суҳбатиде аёлларнинг ишбилармонлик ва етакчилик қобилиятларини ошириш ва коллежаларни битираётган ёш қизларимизни иш билан таъминлаш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Каттакўрғон туманида “Фермерлик ривож қишлоқ истиқболи гаровидир” деб номланган дав-

ра суҳбати давомида фермер аёллар тажрибаси оммалаштирилди, улар соҳага доир қабул қилинаётган қонунлар билан батафсил таништирилди. Катта муваффақиятларни қўлга киритган фермерлар ўз тажриба ва ютуқлари хусусида сўзлаб беришди.

Пайариқ туманида “Оилавий тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқий қўллаш амалиёти масалалари” мавзусидаги тадбир партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда “Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага” лойиҳасининг хотин-қизлар ҳаётидаги аҳамияти, тадбиркорликка оид қонунлар, бизнес режа тузиш шартлари ва тартиби ҳақида йиғилганларга маълумот берилди.

Оқдарё туманида ўтказилган тадбир “Оила муқаддаслиги тамойили, оилавий муносабатларда умумбашарий ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш” мавзусига бағишланди. Унда оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, соғлом миллат генофондини асраш, янги ҳаётга қаддам қўйган ёш оилаларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш хусусида сўз юритилди.

Дилноза НАМОЗОВА,
“XXI asr” мухбири

Ишончли ҳимоя

ёхуд “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолияти хусусида

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида ташкил этилган “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг асосий вазифаси – юридик ва жисмоний шахсларга турли хилдаги суғурта хизматлари кўрсатиш, фуқароларнинг шахсий ҳақда мулкий манфаатларини суғурталаш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Айни кунда республикада компаниянинг 188 та ҳудудий бўлими, 525 та агентлик шохобчаси ва 12 та суғурта маркази мавжуд бўлиб, улар орқали аҳолига 100 дан ортиқ турда суғурта хизматлари кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки ярим йилида жами 1 миллион 366 минг 200 та суғурта шартномаси тузилган. Суғурта муқофотлари тушуми эса 86 миллиард 700 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўзда тутилганидан анча зиёддир.

Айниқса, жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўлами янада кенгайди. Жумладан, “Она ва болани бахтсиз ҳодисалардан комплекс суғурта қилиш дастури”га асосан жамият ва унинг ҳудудий бўлими томонидан оналар ҳамда 16 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини ўз вақтида суғурталашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Энг муҳими, бундай имтиёزلардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Суғурталанган шахсларнинг ўз хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўтилган бахтсиз ҳодисалар оқибатида жароҳатланиши ёки юқумли касалликлар билан касалланиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Масалан, она ва болани бахтсиз ҳодисалардан комплекс суғурта қилиш шартномасига асосан суғурталаниши қатъий меъёрлари белгиланган. Бунда суғуртанинг жавобгарлиги 5 миллион сўм, суғурта муқофоти 6 минг сўм, суғурта муддати эса бир йилни ташкил этади. Мазкур суғурта тури суғурта шартномаси полисини расмийлаштиришнинг соддалиги, суғурталаш полисида бахтсиз ҳодисалардан ташқари юқумли касалликларнинг айрим турлари бўйича жавобгарлик кўзда тутилган. Суғурталанган шахслардан бири шартномада кўрсатилган юқумли касалликларга чалинган тақдирда унга тегишли суғурта пулининг бир йўла тўлиқ тўланиши, шунингдек, ҳар бир бола учун алоҳида полисларни харид қилиш имконияти сақланиб қолиши, суғурта тарифининг имтиёзли фойзаларда қўлланиши билан катта аҳамиятга эгадир.

Тақлиф этилаётган янги хизмат турларидан яна бири ҳомиладор аёллар ва уларнинг ҳомиласини суғурта қилишга қаратилган бўлиб, бу оналар ва туғилмаган фарзандларнинг саломатлигини ижтимоий жиҳатдан кафолатли муҳофазалаш билан боғлиқ. Суғурта ҳимояси, асосан, ҳомиладор аёлларнинг туғиш даврида амал қилади. Бунда суғурта муқофоти 20 минг сўм, суғурта жавобгарлиги 5 миллион сўмни ташкил этишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Компания нафақат жисмоний, балки юридик шахслар билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Юридик шахслар билан тегишли суғурта шартномалари уларнинг ёзма аризасига асосан тузилади. Суғурта шартномаси тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кириди ва белгиланган муддатгача ҳақиқий ҳисобланади. Корхоналар мол-мулки, гаровга қўйилаётган мол-мулк ва транспорт воситалари, лизингга олинаётган мол-мулк, транспорт воситалари, корхона ва ташкилот ишчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, автотранспорт воситаларини суғурта қилиш ва ҳоказолар оммавий суғурта турлари саналади.

Жисмоний шахслар билан суғурта шартномаси суғурталанувчининг ёзма аризаси ёки оғзаки мурожаати асосида тузилади. Бунда уларнинг мол-мулки, турар жой бинолари, уй-рўзгор буюмлари, ипотека кредитлари, чорва ҳайвонлари, бахтсиз ҳодисалардан оммавий ва оилавий муҳофаза асосий суғурта объектлари ҳисобланади.

Шахноза УМРЗОҚОВА,
“Ўзагросуғурта”
акциядорлик жамияти
ахборот хизмати етакчи мутахассиси

ЭКОЛОГИЯ

Ҳаёт давомийлигининг асоси

Сайёрамизда кузатилаётган глобал экологик муаммолар, яъни клим ўзгариши, озон қатламининг сийраклашуви, кислотали ёмғирлар, атмосферанинг заҳарли газлар билан тўйиниши кабилар юзасидан юртимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз 1993 йил 18 майда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва Озон қатламини емирувчи моддаларга доир Монреал протоколига қўшилди, озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни қисқартириш борасида давлат дастури тасдиқланиб, халқаро мажбуриятларни босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб олинди.



– Мазкур йўналишдаги ишлар ўз самарасини берди. – дейди БМТ Тараққиёт дастурининг “Иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар минтақаси – Ўзбекистонда гидрохлорфторуглеродлардан фойдаланишни жадал қисқартиришнинг дастлабки бажарилиши” қўшма лойиҳаси менежери Абдор Ходжаев. – Натижада юртимиз бўйича озон қатламини емирувчи моддалардан умумий фойдаланиш 1989 йилга нисбатан 99,5 фоизга камайди.

Бундан кўраиндики, глобал миқёсда ушбу муҳим қатламини емирувчи моддалардан кундалик ҳаётимиз, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланишнинг босқичма-босқич қисқартирилиши натижасида экологик мувозанатнинг қайта тикланишига эришилмоқда.

Шахло РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

АЖАБО

Тарихий чанглар

Олимплар чангни текшириб, унинг таркибиде Сахрои Кабир куми, Япониянинг Сакурадэма вулканининг кули, Тинч океан тузи, Воронеж тупроқларини топишган. Ҳатто, денгиз ва океанларда ҳам чанг зарраси бўлади.

Энг қизиги, намликдаги чанг қуруқликдагидан фарқ қилади. Масалан, денгиз ва океан чанги туздан иборат бўлиб, шурдек туюлиши бежиз эмас.

Яна бир маълумот: ер юзиде энг кўп чанг тупроқ ва қум ҳосиласидан иборат. Бир йилда Сахрои Кабирдан икки юз миллион тоннагача чанг ҳавога кўтарилиб, Европа, Осиё, АҚШ, ҳатто олис Австралиягача “учар” экан.

Бу – дунёдаги ҳар бир хонадонда Сахрои Кабир чанги борлигини исботлайди.



Тежамкор мия

Илк мартаба 1800 йилда психолог Уильям Жеймс одам миасининг бор-йўғи 10 фоизи ишлайди, деган фикрни илгари сурган. Аммо асримиз олимларининг тадқиқоти ушбу фикрнинг мутлақ нотўғри эканини исботлади. Яъни, бирор нарса ни уйлаш ёки иш бажараётганимизда мианинг ўша жараёнга ихтисослашган 10 фоизи фаолиятда бўлиб, қолгани танаффус қилиб турар экан, холос.

Тулпор шарафига машҳур шоколад

Машҳур “Сникерс” шоколади йирик саноатчи Фрэнк Марснинг изланиши маҳсулидир. У инсониятга янгича ширинлик туҳфа этиш мақсадида 1923 йилда ушбу ширинликни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шоколад номи тадбиркорнинг сеvimли тулпори шарафига қўйилган.



Хориж матбуоти асосида Севара АЗИМОВА тайёрлади.

XXI ASR жавоб беради

Қанча муддатда текширилади?

– Яқинда хусусий тадбиркорлик билан шугулланишни бошладим. Айтинчи, хусусий корхоналарнинг фаолиятини режалар текширишлар неча йилда амалга оширилади?

Ш. Ҳамидов,
Когон тумани

– “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида хусусий корхона фаолиятини текшириш чекланганлиги ҳақидаги меъёрлар қайд этилган. Унга қўра, хусусий корхоналарнинг – кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини режалар текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хусусий корхоналарнинг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган хусусий корхоналарнинг – кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режалар текширишлардан ўтказилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг учинчи қисмига биноан, акция тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган хусусий корхоналар – кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти, шунингдек, хусусий корхоналар – кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режалар текширишлардан ўтказилмайди.

Неча ёшдан фермер бўлиш мумкин?

– Фермер ҳўжалигининг бошлиғи бўлиш учун неча ёшда бўлиш талаб этилади?

Р. Шамсиева,
Оққўрғон тумани

– “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан фермер ҳўжалигининг бошлиғи шу ҳўжаликнинг муассиси – фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ ҳўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер ҳўжалиги номидан ана шу ҳўжалик бошлиғи иш қўради. Фермер ҳўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади.

Молиявий ёрдам кўрсатилса...

– Агар хусусий корхона 2015 йил учун олинган ўзининг соф фойдасидан бошқа маъмулий чекланган жамиятнинг устас фондиди шакллантириш учун молиявий ёрдам ўтказса, у ҳолда хусусий корхона қандай солиқларни тўлайди?

Ш. Умрзоқова,
Бахмал тумани

– “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 15 ва 24-моддалари талабига асосан хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Мулкдор фойдадан ўз ихтиёрига қўра фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ер участкалари неча йилга берилади?

– Фермер ҳўжалиқлари юритиш учун ер участкалари қанча муддатга берилади?

Ш. Зокиров,
Тўрақўрғон тумани

– “Фермер ҳўжалиқлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига биноан, фермер ҳўжалиқлари юритиш учун ер участкалари очик танлов асосида ижарага элик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер ҳўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер ҳўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Розилик бўлиши керак

– Амалдаги қонунларимизда гаров нарчасини алмаштиришга йўл қўйиладими?

Т. Азиев,
Чилонзор тумани

– Фуқаролик кодексининг 276-моддасига асосан, гаров нарчасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарчаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё ҳўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга қўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўвчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса – суд белгиланган муддатда) гаров нарчасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли

Саволларга Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Сайёра ҚОШАЕВА жавоб берди.

МОҲИЯТ

АНА, ХОЛОС!

Чақалоққа... “Келин-куёв” либоси

Уйга қайтаётгандим. Ёнимдаги бўш ўриндиққа бир онахон келиб ўтирди. Қўлидаги сумкасини тўғри тутиб, авайлашдан касалхонага бораётганга ўхшарди.



— Невераним кўргани кетяпман, — деди ўзи гап бошлаб.
— Касалхонадамиди?
— Йўқ, кечагина туғруқхонадан олиб чиқдик, ўғлимнинг уйига бораёпман, хабар олгани. Ҳай, замонадан айланай, болам, туғруқхонадан ўзим нақ келиндай қилиб олиб чиқдик-да.
— Келинингизими?
— Йўғ-э, чақалоқни.
— Қанақасига, тўрт-беш кунлик гўдак бўлса у?.. — сўрайман ҳайратимни яширмай.
— Шунга айтаман-да мен ҳам, бу тиниб-тинчиман одамлар янги туғилган чақалоққа ҳам келин кўйлақча тикишибди-я. Ўғил болачалар учун эса худди куёв боланинг либосини яратишган. Урфдан қолмайлик, деб олиб бердим неверанига, энг қимматидан. Энди кўрсангиз эди, унинг асаллигини. Ҳавасингиз келадими бу болаларнинг бахтига.
— Неча сўм экан ўша кўйлақ? — сўрайман қизиқонлигим тутиб.
— Қиммат эмас, юз минг сўм, қимматбах ошчалар ҳам ёпиштирилган, оппоқина лозимчаси ҳам бор, бошидаги дўппичаси ҳам кўйиб қўйгандек. Видеочи, карнай-сурнай, ҳалғи қиммат машиналарни айтмайсизми, туғруқхона олди тўйхонага айланди ўзим...
Бу амалга ошган орзу-ҳаваслар саноғи манзилга етгунча чўзилди. Мени эса

бошқа ўй-хаёллар кийнади шу тобда: Табаррук, кўпни кўрган момоларимиз янги туғилган чақалоқни чилдада сақлашни, иложи борича бегона кимсаларга кўрсатмасликни афзал билишган. Фарзанднинг соғ-омон улғайиб, камол топиши ҳам шунга кўпроқ боғлиқ экан. Турмуш қураётган қизларимизнинг келинлик либосини фалон сўмга ижарага олиб қияётгани ҳақида кўп танқидий мулоҳазалар бўларди-ю, лекин ҳеч нимани англамаган, тўғрироғи, ҳали кўзи очилмаган чақалоққа бир кунгина кийилиб, сандиққа ташланадиган “келин-куёв” либослари шартмикан? Бу калтабинликдан, манманлик ва хўжақўрсинга иш тутишдан, “Келинлар кўзголонни” даги Фармонбинининг таъбири билан айтганда “Чет элни хўрозқанди, деса ётиб ялашга тайёр” турувчиларнинг ақлсизлигидан ўзга нарса эмас.
Яна бир гап. Ўша матоҳни тўрт кунлик чақалоққа кийдиришга, кимгадир фарзандли бўлиб болажониси билан уйига ошиқиб насиб этадиган, яна кимгадир бунинг акси ҳам бўлиши мумкин бўлган туғруқхона ҳовлисида бака-бум, ногораларнинг қийқириқларига масъуллар қачонгача бепарво, томошабин бўлиб ўтиришади?!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Менинг тасаввуримда, бизга берилган умр тонги жим-жит бир тезлик билан ўчиб ўтмоқда. Ўйлаб қарасангиз, ҳар бир кишининг тақдири туғилмасидан олдинги асрларга ҳам илдиоз бўлади. Туркий аждодларимиз етти пуштини яхши билмаган одамни уят қилишган. Тўқсон икки қабилали ўзбеклар ўз аждодлари қайси уруғдан эканини ёддан чиқармаганлар. Аммо Шўро даврида уруғ суриштириш “уруғ-аймоқчиликка олиб боради” деб айб қилинди. Бу ҳамма одамларни тарихий илдиозларидан узиб ташлашга хизмат қиладиган ақида эди.

Аслида эса, ҳар биримизнинг ўтмишимиз ота-боболаримиз мансуб бўлган қабил ва уруғлар орқали халқимиз бошидан кечирган катта тарихий воқеаларга узвий боғланган бўлади.

— Асарларингиз ичида сизга довруғ келтирган “Юлдузли тунлар” романини ҳаяжон билан ўқимаган китобхон топилмаса керак. Айнан Бобур Мирзо ҳаётига мурожаат қилишингизга нима сабабчи бўлган?

— Бобурдан бошлаганим тўғри бўлган экан, деб ўйлайман. Чунки Амир Темур таърибасини энг чуқур ўрганган ва давом эттирган темирўйзода, менимча, Бобурдир. Мирзо Бобур “Темир тузуқлари”ни чуқур ўрганган ҳамда вафотидан олдин ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятномасида “Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юртишлари доим ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмури ва пухта бўлади”, деб тайинлайди. Ҳақиқатан Бобурнинг ўзи бутун ҳаёти давомида Амир Темурнинг тузуқларидаги пурмаъно сўзлардан жуда кўп ибрат олган. Даҳо даражасидаги истеъдод нуқтаи назаридан қараганда, Амир Темурга ирсий ворис ва яқин авлод Бобур Мирзо деб айтиш мумкин. Шунинг учун Бобур Мирзо Ҳиндистонда бошлаб берган бобурийлар сулоласи 332 йил умр кўрган.

— Асарларингизни мутолаа қилар эканмиз, ундаги қаҳрамонлар ҳаёти муаллиф ҳаётининг бир парчасига ўхшаб кетади. Болалигингиз қандай кечганлиги ҳақидаги ўй-кечинмаларингиз билан ҳам ўртоқлашасан дегандим...

— Болалигим, ёшлигим... О, қанча йиллар ўтди.

Аммо ростки, худди кечаги кундек. Бундан олтимиш беш йил муқаддам еттинчи синфни битираётган пайтларимда “Қутлуғ қон” романини қанчалик таъсирланиб ўқиганим ҳалигача ёдимдан чиқмайди. Китобдан олган ёрқин таассуротларим уни ўқиган жойининг манзаралари билан бирга ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Биз бир богот жойининг кўрғончасида турардик. Май ойининг охирига, богдаги тоқлар кийгос гуллаган пайт. Кўрғончада сизир ва эчкилар бор, уларга ўт ўриш, анча узокдан челақда сув ташиб келиш биз каби дастёрларнинг зиммасида эди. Лекин китоб ўқишимга ҳалақит бермасликларни учун, тоқзорнинг нариги четидаги пана бир жойга яшириниб олар эдим. Онам бир

неча марта кўрғончадан чиқиб мени чақирар, лекин ўзимни эшитмаганга солиб китоб ўқишда давом этардим. Шахсан мен Йўлчининг тупроғи тўпикча чиқадиган кўчалардан ялангоёқ юриб, қишлоқдан шаҳарга келишини

ҳам айнан ўз ҳаётимга ўхшатардим. Чунки болалик пайтимизда отамиз бой бўлгани учун бор мол-мулкимизни шўролар тортиб олган, қиш кунда бизнинг иссиқ уйимиздан қувиб чиқариб бадарга қилганди.

Ёшлик йилларимизда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ёзувчиларнинг асарларини ўқишдан бутунлай махрум этилган эдик. Мабодо баъзи ихлосмандлар “Ўткан кунлар” ёки “Кеча ва кундуз” романларини яширинча ўқиётган пайтда қўлга тушса, қатагонга учарди.

Ўша йилларда биз талабалар суюкли устозларимизга ноҳақ отилган маломат тошларидан қаттиқ изтироб чекканмиз. Бу изтиробларимни “Уч илдиш” романида Маҳкам ва Очил каби ёшлар навқирон, суюкли домлалари профессор Абдурахмон Тошев ва доцент Темур Акбаровлар томонида тургани, уларга тўхмат қилган бахилларга қарши курашган лавҳалар орқали кўрсатишга ҳаракат қилганман. Урни келганда айтиш жоиз: талабалар севадиган профессор Тошев образида мен Ойбекни назарда тутган эдим. Отаси темирчи бўлган Темур Акбаровни тасвир этганда устоз Абдулла Қаҳҳор кўз олдимда турган эди.

— Ҳаётингизда энг бахтли чоғларингизни эсласангиз...

— Бундан эллик беш йил аввал, мен 19 ёшда талаба бўлган кезларимда газеталарга лавҳалар ёзиб турардим. Ўша йилнинг август ойида ёшлар газетаси менга бир топшириқ берди.



Самарқандда еттинчи синфни битирган ўқувчи қиз Москвадаги гимнастика мусобақаларига қатнашиб, яхши баҳо олибди. Ҳозир шу қиз Чирчиқдаги спорт мактабида ўқийди, тез бориб у билан суҳбат уюштириб келинг, дейишди. Юриб чарчамайдиган илгитлик пайтимиз. Ўша кунёқ айтилган жойни топиб бордим. Ўқувчи қизни чақириб беришди. Суҳбатлашдик. Гаплари маънили, ўзини катталардек вазмин тутди. Жуссаси кичикроқ, аммо пишиқ. Суҳбатимиз пайтида мактабни битирсам, балки Тошкентга ўқишга борарман дегани ёдимда қолди. 1951 йили мен университетнинг 5-курсига ўқий бошлаган кунларим шарқшунослик факультетининг 1-курсига олтин медаль билан имтиҳонсин кирган ёшлар даврасида ўша қизни кўриб қолдим.

Ўша йили кунда менинг “Студентлар” деган биринчи китобим нашр этилган эди. Бу китобнинг тақдиримотида сирли тилакларга сабабчи бўлган ўша София исмли қиз ҳам иштирок этди.

Тақдир тақозоси деганлари шуми, балки тасодифдир, қарангки, келгуси 1952 йилнинг янги йил кечасини бўлажак умр йўлдошим София билан бир дастурхон атрофида кутиб олдик...

Адиба УМИРОВА ёзиб олган



XALQ BANKI

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
МАЪМУРИЙ БИНОСИНИНГ ИССИҚЛИК МАНБАЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ИШЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов мавзуси: “Халқ банки Тошкент вилояти филиали маъмурий биносининг иссиқлик манбаларини тозалаш (промывка-продувка) ишларини амалга ошириш”.

Тижорат таклифлари нархлар ва техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан

тасдиқланган бўлиши лозим. Таклифлар 2016 йил 14 октябрь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар қуйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат орқали олиш мумкин:

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Қатортол кўчаси 46-уй.

ТЕЛЕФОН: (0-371) 273-86-57,

ФАКС: (0-371) 273-86-57.

e-mail: taxli1883@xb.uz

Хизматлар лицензияланган

БАЛИҚЧИ ТУМАНИ ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

«1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин» тўқсонбаити билан ёш авлод камолоти йўлида теҳнат қилаётган азиз устозларни сатимий тўборақбод эitamиз. Баргангизга узок ва тазмунли умр, саломатлик, эзгу ишларингизда тубафракцият тилаймиз.



Пойтахтимизнинг Бектемир тумани катта халқа йўли устида жойлашган

“Sherif Group Avto”

масъулияти чекланган жамияти қуйидаги жойларни узок муддатли ижарага берилишини маълум қилади:

— автомобилларни ювиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси;

— ошхона;

— 75 ва 85 метр² майдонга эга замонавий бинолар.

Мурожаат учун телефонлар:

Тел: (+99893) 556-09-54, (+99890) 976-83-30

Факс: (0-371) 298-61-60

Электрон манзил: sherif-group-avto@mail.ru

Мўлжал: Бектемир тумани саноят зонаси.



16-310

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

Реклама ўрнида Рақобатбардош маҳсулот тараққиёт омили

"Қорақалпоғистон сиров ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси маҳсулотларини сертификатлаштириш, метрологик хизматлар кўрсатиш, аккредитланган сиров мажмуаси ва сифат тизимларини жорий этиш борасида тадбиркорлик субъектлари ва корхоналарга қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- аккредитация доирасига асосан маҳсулотларни даврий сировлардан ўтказиш, сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини олиб бориш;
- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзолаган битимларига асосан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўтказиш ҳамда маҳсулотни хафсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш.

Метрология соҳасида:

- оғирлик, иссиқлик-техника, геометрик, вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибрлаш ишларини олиб боради.
- ўлчов воситалари ва сиров ускуналарини метрологик аттестациядан ўтказиш;
- консултив хизматлар кўрсатади.

Айни пайтда корхоналарда ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 халқаро стандартлари талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий этиш, ходимлар учун ўқув курси ташкил этиш ва тақомиллаштириш соҳасида кўмаклашади.

Шунингдек, агентлик хизматларини кўрсатиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларига оид семинарлар ўтказиш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лабораторияларни аттестацияга ва аккредитацияга тайёрлашда амалий ёрдамлар кўрсатади.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри Фарез-сизлик кўчаси, 57-уй.

Тел.: (0-361) 222-74-02.

Факс: (0-361) 780-00-07

e-mail: qoraqalpog'issm@rasm.uz qoraqalpog'issm@exat.uz

"Қорақалпоғистон сиров ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси

Хизматлар лицензияланган

16-251

Qishloq Qurilish Bank

АЗИЗ УСТОЗЛАРИМИЗНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ – 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Шарафли ва масъулиятли соҳа вакилларига
омад ва ютуқлар тилаган ҳолда қуйидаги
муддатли омонат турларини таклиф этамиз:**

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

"ЮҚОРИ ДАРОМАД" – омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

"ОМАД" – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (0-371) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

16-260



БАНК ВА МИЖОЗ

Келажакка йўналтирилган сармоялар



Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бормоқда. Натижада жойларда қўлай бизнес муҳити шаклланиб, ишбилармонлик йўлини танлаган юртдошларимиз сафи кенгаймоқда.

Ушбу жараёни молия-банк муассасаларининг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Хусусан, акциядорлик тижорат "Асака" банкнинг Андижон вилоят филиали ҳам юрт манфаати ва фаровонлиги йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Банк филиали ва вилоятдаги қўшма корхоналар, маҳаллий тадбиркорлар, лизинг корхоналари ўртасида ишончли ҳамкорлик муҳити яратилган. Иқтисодиётнинг турли соҳалари учун ажратилаётган кредитлар миқдори тобора ортиб бормоқда. Бугунга келиб муассаса ўзининг юзлаб доимий миждошларига эга.

Улар учун муассасада барча шароитлар яратилган. Жумладан, тадбиркорлар хонаси, пластик картчалар билан ишлаш бўлими доимий хизматда. Коммунал тўловларни амалга ошириш учун ходимлар бириктирилган. Бундай манфаатли ҳамкорлик, беминнат ёрдам банк нуфузи ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Масалан, 2016 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига

кредит портфели ҳажми қарийб 78 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 32 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг айна даврига нисбатан қарийб 1,4 бараварга кўпдир.

Маълумки, республикада боғдорчиликни ривожлантириш, узумзорларнинг унумдорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. "Асака" банк вилоят филиали ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар ҳамда фер-

мер хўжалиқларига 5 турдаги кредитлар таклиф этилмоқда. Ушбу йилнинг айна даври мобайнида уларга имтиёзли шартлар асосида 2 миллиард 500 миллион сўм миқдорда узоқ муддатли кредит сармояси ажратилди. Ушбу маблағ асосан янги техника ва технологиялар сотиб олиш, замонавий совутиш камералари қуриш мақсадлари учун сарфланаётди.

Андижон, Балиқчи, Бўз, Избоскан, Пахтаобод ва Улуғнор туманларидаги фермер хўжалиқлари бундай сармоялардан фойдаланиб, салмоқли натижаларга эришмоқда. Фикримизнинг исботи ўрнида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келатган миждошларнинг фикрини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз топдик.

Ҳалимжон КАРИМОВ, Балиқчи туманидаги "Садаф ниҳоли" фермер хўжалиги раҳбари:

– "Асака" банк биз каби қишлоқ мулкдорларини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаб, режалаштирган лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ этишда яқиндан кўмак бераётганидан хурсандимиз. Хўжалигимиз узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, 22 гектар 10 сотих майдонга эга. Бу ерда асосан узумнинг "Ризамат ота", "Хусайни" сингари саноатбон навлари юқори агротехника қоидалари асосида парваришланади. Шунингдек, олма, гилос, анор каби мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш бўйича ҳам бой тажриба тўпланган. Бундан ташқари йўлақарга ётқизилайдиган 8 турдаги чорқир-ра тошлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида "Асака" банк вилоят филиали мутахассисларига мурожаат этганимизда улар бизни қўллаб-қувватлашди ва тегишли миқдорда сармоя ажратилди. Шу ҳисобдан 10 та қўшимча янги иш ўрни яратдик. Чиндан ҳам "Асака" банк кредитлари биз каби тадбиркорлик йўлини тутганлар учун имконият эшикларини очди. Натижада мулкдор бўлиб, жамиятда ўз ўрнимизни топшишга эришяпмиз.

Исроилжон УРАИМОВ, Хўжаобод туманидаги "Ал-Ҳаким" кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари:

– Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ишончли ҳимоя қилиш, мулкдорларни доимий қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар туфайли кичик бизнес иқтисодиётнинг ажралмас бўғинига айланиб бормоқда. Қўллаб-қувватларимиз яратилган қўлай имкониятлардан фойдаланиб, замонавий хизмат ва ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўймоқда. Қувонарлиси, Хўжаободда бугун ана шу турдаги хусусий корхоналар сони 50 тадан ошди. Фирмамиз 16 хилдаги трикотаж маҳсулотни тайёрлашга ихтисослашган. Буюртмачиларга ойига ўртача 404 миллион 600 минг донага яқин, 604 миллион 2 минг сўм ҳажмда маҳсулот етказиб берилмоқда. Шунинг қарийб 75 фоизи экспортга йўналтириляпти.

"Асака" банк билан яқин молиявий ҳамкорлигимизнинг иккита муҳим сабаби бор. Биринчидан, банк мутахассислари мақсад-муддаоингизни тезда англашди, мушқулнингизни осонлик билан ҳал этишга ҳаракат қилишди, зарур маслаҳатларни аямасди. Иккинчи муҳим сабаби эса кредитларнинг қонунчиликда белгиланган муддатда ажратилишидир. Шунинг учун ҳам фаолиятимиз давомида айланма маблағларни тўлдириш учун банк кредитидан иккита фойдаландим. Молиявий мадад эвазига бугунга келиб ишчи-ҳодимларимиз сони 120 нафарга етди.

Ҳаётилло СОБИРОВ, "Ulug'nor invest teks" қўшма корхонаси раҳбари:

– Ҳозирги кунда юртимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин иш юритиши учун қўлай шароит мавжуд. "Асака" банк ҳам ана шу жараёнда фаол қатнашиб, мулкдорлик ҳаракатининг таянч нуқталаридан бирига айланди. Корхонамиз томонидан 14 хилдаги трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Бир ойда миждошларга ўртача 175 миллион 400 минг дона тайёр маҳсулот етказиб берилаяпти. Шундан 460 миллион сўмга яқини экспортга йўналтирилади. Жамоамизда 225 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Эришилган ютуқларда "Асака" банкнинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Фаолиятимиз давомида "Асака" банкнинг вилоят филиалидан уч мартаба йирик миқдорда кредит олиб, корхонамизни замонавий жиҳозлашга эришдик.

Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, "Асака" банк вилоят филиали теварак-агрофони ободонлаштириш, ходим ва миждошлар учун замонавий қўлайликлар яратишни ҳам диққат марказида тутиб келмоқда. Муассаса ҳовлисида миждошлар учун шинамгина ёзги шийпача барпо этилган. Андижон шаҳрининг Навоий шохқўчасида ўтказилган миндан зивд турли-туман кўчатлар бугун гурқираб, қўзни қувонтириб турибди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли акциядорлик тижорат "Асака банк" Андижон вилоят филиали тизимида барқарор ўсиш кузатишмоқда. Асосий мақсад миждошлар билан йўлга қўйилган ишончли ва манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хизматлар сифатини оширишдан иборатдир.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
"XXI asr" муҳбири

16-6

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган



МУАССИС:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Қўноқлик САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Адам ШОДМОҲОВ
Абдумажид КАРИМОВ Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Икбол МИРЗО Бегмат ОҚИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнама-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 2 босма табок.

Буюртма рақами: Г – 966 Тираж: 8290
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 01:50

Таҳриратга келган қўламалар тақрир
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида
терлиди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сарфланади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Набатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, С. ЮНУРОВ